КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ИЮНЬ (1983 ЙИЛ) ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

# ИДЕОЛОГИЯ ИШЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИ ЧИНОЗ РАЙОНИДАГИ ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ КОЛХОЗ ТАРҒИБОТЧИ ВА ТАШВИҚОТЧИЛАРИ БИЛАН КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮНЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ КЕНГ ПРОПАГАНДА ҚИЛИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШГА БАҒИШЛАБ ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗДИ

## СЎЗ ВА ИШ БИРЛИГИ УЧУН

**Колхознинг 1-бригадаси дала шийпонига қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида оммавий-сиёсий иш олиб бораётган идеология активлари — пропагандист ва агитаторлар, лектор ва сиёсий ахборотчилар, сиёсий ташкилотчилар тўпландилар. Уларнинг ҳар бири хўжалик бригада ва фермаларида, аҳоли турар-жойларида КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми ва СССР Олий Советининг сессияси ҳужжатлари тўғрисида лекциялар ўқишган, суҳбатлар ўтказишган.**

**«Тошкент ҳақиқати» газетаси Чиноз район партия комитети ва Охунбобоев номли колхоз партия ташкилоти билан ҳамкорликда Пленум қарорларини пропаганда қилишда тарғиботчи ва ташвиқотчилар тўплаган дастлабки тажрибаларини умумлаштириш, бу ишни давр талаби асосида янада такомиллаштириш соҳасидаги вазифаларни муҳокама қилиш учун мазкур давра суҳбатини ташкил этди.**

### ПЛЕНУМ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА

— Бугунги кунга қадар колхозимизнинг ҳар бир аъзоси КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми ҳужжатлари билан таништириб чиқилди, — деди давра суҳбатини очар экан, колхоз партия комитетининг секретари **А. Мираҳмедов.** — Бунга катта идеология активига эга эканлигимиз туфайли эришдик. Пленум қарорлари, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Пленумда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида хўжалигимизнинг 42 агитатори, 36 сиёсий ахборотчиси, 120 сиёсий ташкилотчиси, «Билим» жамиятининг 22 аъзоси суҳбатлар ўтказмоқда.

Партия комитетимиз идеология ходимларини зарур адабиётлар билан таъминлаш чораларини кўрди. Колхозимиздаги мавжуд 14 дала шийпонининг ҳаммасида КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми материалларини ўрганувчиларга ёрдам бурчаги ташкил этилган.

Хўжалигимиздаги 14 та цех партия ташкилоти ва бир партия группаси Пленум қарорларини пропаганда қилиш ва амалга ошириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқдилар. Улар асосида колхоз партия комитетининг тадбирлари ҳам белгилаб олинди. Ҳозирги кунларда ана шу тадбирлар асосида Пленумда қабул қилинган қарорнинг ҳар бир қисми бўйича туркум суҳбатлар ўтказиляпти.

Бундан буён ғоявий-тарбиявий ишда фақат миқдорий кўрсаткичларга қараб баҳо берилмайди, омманинг сиёсий онги ва меҳнат ғайрати даражаси иш самарадорлигининг бош мезони ҳисобланади.

Пленумдан сўнг идеологик, оммавий-сиёсий ишлар бирмунча жонланганлиги, уларнинг таъсирчанлиги ортганлиги колхозимиз аъзоларининг меҳнат активлигидан ҳам сезиляпти. Бу йилги анча мураккаб шароитларга қарамай пиллачиларимиз қабул пунктларига 25 тонна сифатли хом ашё етказиб бериб, планни 126 процент қилиб бажардилар. Давлатга картошка сотиш плани ҳозирнинг ўзида икки баравар ошириб ўринланди. Эл дастурхонига яна 270 тонна картошка тортиқ қилиб, бу соҳадаги планни беш ҳисса ошириб бажарамиз. Олти ойнинг ўзида давлатга дон, гўшт, тухум сотиш йиллик планлари ҳам адо этилди. Ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида 1485 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олган пахтакорларимиз ғўза парваришини қизғин олиб бормоқдалар.

Шу билан бир қаторда идеологик, оммавий-сиёсий ишларимизда маълум камчиликлар бор. Баъзи агитатор ва лекторларимиз фақат газеталардаги материалларни ўқиб бериш билан чекланиб қолмоқдалар. Ҳолбуки, пропаганда ишида расмиятчилик, юзакилик энг ёмон иллатдир.

### ШИЙПОН ВА ФЕРМАЛАРДА СУҲБАТЛАР

— Оғзаки пропаганда оммага партиявий таъсирнинг синалган воситасидир, — деди «Билим» жамияти бошланғич ташкилотининг раиси **Қ. Маъмуров.** — Шунинг учун ташкилотимизнинг 22 аъзоси ҳафтада икки марта дала шийпонлари ва фермаларда лекциялар ўқийдилар. Уларнинг ҳаммаси маълум бригада ёки чорвачилик фермасига бириктиб қўйилган. Лекторларимиз оғзаки агитация ишлари олиб борадиган коллективларни яхши билишлари уларга одамлар билан жонли, ишончли мулоқатда бўлиш, кўпчиликни қизиқтираётган масалалар тўғрисида рўйи-рост суҳбатлашиш имконини беряпти.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми туғаши билан лекторларимиз ҳар бир коллективни унинг ҳужжатлари билан таништириб чиқдилар. Ҳозир эса бу ҳужжатлар чуқур пропаганда қилинмоқда. Бу ишни аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда режали олиб бориш учун ҳар бир оғзаки агитация кадри шахсий иш планини тузиб чиқди. Лекторларимиздан Э. Саидов, Х. Файзуллаев, М. Тожиева, Т. Фозиловалар ўз олдиларида турган вазифаларни янада чуқурроқ ҳис эта бошладилар.

Колхоз партия комитети Пленум материалларини пропаганда қилишга бағишлаб лекторлар семинарини ташкил этди. Лекциялар жонли ўтишини таъминлаш мақсадида диапроекторлар харид қилинди.

— Куни кеча тушлик пайтида шийпонга коллективимиз барча аъзолари тўплангач, социалистик мусобақа ғолиби Турди Тешабоева шарафига шон-шуҳрат байроғини кўтардик, — деди бригада бошлиғи, район партия комитети бюросининг аъзоси **А. Бекмуродов,** — Ҳамма чопиқда намуна кўрсатган бу колхозчимизни қизғин табрикладик. Шундан сўнг эса бригадамиз аъзоси М. Эралиевнинг ишга муносабатини биргаликда муҳокама қилдик. У ишдан беруҳсат кетиб қолиб, меҳнат интизомини бузган эди.

Кўпчилик олдида жавоб бериш осон эмас. Бригадамизнинг барча аъзолари интизомсиз колхозчи ҳатти-ҳаракатини қатъий қораладилар. М. Эралиев бундай ҳол такрорланмаслигига сўз берди. Ҳозир у ишга муносабатини кескин ўзгартирди.

Коллективимизда интизомни бузувчиларга бундай муросасизлик муҳитини яратишда бригада усули қўл келмоқда. Меҳнатни ташкил этишнинг бу усули коллективнинг тарбиячи ролини оширади. Ҳар бир кишининг унумли, самарали меҳнат қилиши учун ҳамма жон куйдиради.

Бригада пудратининг самарасини қуйидаги рақамлар кўрсатиб турибди. Ўтган йили биз 105 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 44,2 центнердан хирмон кўтардик. Колхоз бўйича 1 гектар пахта майдонидан олинган даромад 2090 сўмни ташкил этган бўлса, бригадамизда 2743 сўмга етди. Коллективимизнинг ҳар бир аъзоси қўшимча ўртача 666 сўмдан, колхоз кўрсаткичидан 141 сўм кўп иш ҳақи олди.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида бригада пудратини кенг жорий этишга катта эътибор берилганлиги ҳам бежиз эмас. Биз янги усулда ишлаб бу йил 128 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилганмиз. Айни пайтда бригада пудрати коллективда оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишлар таъсирчанлигини оширишга хизмат қиляпти.

— Кейинги пайтларда колхозимизда сут етиштириш ва давлатга сотиш суръатлари ўтган йилги даражадан бирмунча орқада қола бошлади, — деди чорвачилик цех партия ташкилотининг секретари **Х. Нурматов.** — Одатдагидек навбатдаги беш кунлик бўйича социалистик мусобақага якун ясалиб, илғор соғувчиларни пул мукофотлари билан тақдирлагандан сўнг сут етиштиришнинг камайиши сабабларини ҳам биргаликда таҳлил қилдик. Соғувчилар сўнгги пайтларда сигирлар фақат янги ўрилган беда билан боқилаётганлиги, бу маҳсулдорликка таъсир қилганлигини айтишди. Ишдаги бошқа камчиликлар ҳам ўртага ташланди.

Мусобақа якунига бағишланган йиғилишда айтилган фикрлар колхоз правлениеси ва партия комитетига маълум қилинди. Шундан сўнг ички имкониятлардан фойдаланиш мақсадида тезлик билан витаминли ўт уни тайёрланга киришилди. Уни моллар рационига киритиш соғилаётган сут миқдорини кўпайтиришга ёрдам берди.

Бу социалистик мусобақанинг таъсирчан кучини кўрсатувчи бир мисолдир. Яхши ташкил этилган меҳнат беллашуви ҳар бир кишини самаралироқ ишлашга, барча имкониятлардан фойдаланишга руҳлантиради. Биз КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорлари асосида социалистик мусобақада коммунистларнинг авангардлик ролини таъминлашга катта эътибор беряпмиз. КПСС аъзоларидан Р. Раҳмонбердиева, П. Коржаувова, Ж. Жўрабоева сигирлар маҳсулдорлигини оширишда намуна кўрсатаётган бўлсалар, молбоқар А. Уролов, чўчқачилик фермасининг бригада бошлиғи А. Пирназаровлар гўшт етиштиришни кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшяптилар.

Социалистик мусобақа ошкоралигини таъминлаш ҳам катта аҳамиятга эгадир. 5 та фермамизнинг ҳаммасида яхши жиҳозланган стендлар, кўрсаткичлар тахталари бор. Уларда социалистик мусобақанинг бориши, ҳар бир чорвадорнинг кундалик иш натижаси ўз аксини топади.

### КОЛЛЕКТИВ — ТАРБИЯЧИ

— Тарбиявий иш одамлар ҳаётий фаолиятининг ҳамма жиҳатларини, уларнинг турмуши, бўш вақтини ўтказиши, оилавий муносабатлари соҳаларини ҳам қамраб олгандагина мустаҳкам натижаларга эришиш мумкин деб таъкидланди Пленумда, — суҳбатга қўшилди колхоз раисининг маданий-маиший ишлар бўйича ўринбосари **А. Абдурашидов.** — Бу Коммунистик партиямизнинг совет кишилари тўғрисида доимий ғамхўрлик қилаётганликларига яна бир ёрқин мисолдир.

Колхозимизда кенг социал программа амалга оширилаяпти. Хўжалигимиз аъзолари учун барча қулайликлар яратиб берилмоқда. Уларнинг фарзандлари 360 ўринли 5 та доимий ҳамда дала шийпонлари қошидаги 12 та мавсумий боғча-яслиларда тарбияланади. Колхоз территориясида стадион, 6 та кутубхона, 6 та фельдшерлик даволаш пункти, дорихона, алоқа бўлими, 5 та маиший хизмат кўрсатиш пунктлари, ҳар сменада 120 ўқувчи дам оладиган пионер лагери, 5 та мактаб бор. 320 хонадон табиий газ билан таъминланган. Қишлоқларимизни газлаштириш давом этяпти.

Ҳозирги пайтда Сирдарёнинг хушманзара жойида колхозчилар дам олиш уйи, қишлоқ поликлиникаси қуриляпти. Шу беш йилликда 5000 ўринли стадиони бўладиган спорт комплекси, 300 ўринли болалар боғчаси қуриш ҳам режаланган. Колхозчиларимиз учун барча маданий-маиший шароитлар яратиб берилаётганлиги туфайли улар дала ва фермаларда унумли меҳнат қилмоқдалар.

### КУНДАЛИК ИЖОДИЙ ИШ

— Ҳозир меҳнат коллективларида лекция ўқиш, суҳбат ўтказиш осон эмас, — деди Охунбобоев номли 3-мактаб илмий бўлимининг мудири, сиёсий ахборотчи **Н. Шамсиддинов.** — Масалан, колхозчиларимизнинг аксарият кўпчилиги ўрта маълумотга эгадир. Улар орасида техникум ва институтларни тугаллаган мутахассислар кўпайиб боряпти. Улар газета ва журналлар, радио ва телевидение орқали кундалик воқеалардан яхши хабардордирлар.

Шундай экан, далилларимизнинг асослилиги, фикр ва сўзимизнинг янгилиги билангина уларни ўзимизга жалб этишимиз, ишонтиришимиз мумкин. Бу эса ҳар бир агитатор ва лектордан, сиёсий ахборотчидан идеология ишига ижодий ёндошишни муттасил ўқиб-ўрганишни талаб қилади.

Оммавий-сиёсий ишларни олиб боришда колхоз партия комитетига яқиндан ёрдам бераётган мактабимиз ўқитувчилари Пленум қарорлари асосида ижодий изланяптилар. Улардан 8 нафар педагог сиёсий ахборотчилик қилмоқда. Биз июнь Пленуми материалларини пропаганда қилишда энг аввало суҳбатларимиз жонли ва мароқли бўлиши, сўзимизга одамларни ишонтира билишга ҳаракат қилмоқдамиз. Бу эса меҳнаткашлар билан учрашувларга ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўришни талаб этади.

Пленумда мактаблар педагогик коллективлари олдига ҳам катта ва масъулиятли вазифалар қўйилганлигини таъкидламоқчиман. Ёш авлодни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш, миллатлараро алоқа воситаси ҳисобланган рус тили ҳамда ижтимоий фанларни ўқитишни яхшилаш бу вазифаларнинг энг муҳимидир. Мактабимизда рус тилини дарсдан сўнг ҳам ўрганишни ташкил қилиш мақсадида 4 та тўгарак туздик. Рус тили ва адабиёти кабинетини қўшимча материаллар билан тўлдиряпмиз. Ижтимоий фанлар ўқитувчилари малакаси ошириляпти.

Колхоз томонидан мактабимизга ажратиб берилган 75 гектар ерда ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси пахта етиштирмоқда. Ёшлик пайтданоқ ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиш уларда меҳнатга муҳаббат уйғотиш билан бир қаторда, ота-оналарининг касбларини эгаллашларига ҳам хизмат қиляпти.

— Комсомол-ёшлар колхозимизда катта кучдир, — деди хўжалик комсомол комитетининг секретари **Н. Усмонқулова.** — 306 нафар ВЛКСМ аъзоси 14 бошланғич комсомол ташкилоти атрофига уюшган. Меҳнатда намуна кўрсатаётган чорвадорлардан А. Иброҳимова, З. Ҳайдаров, механизаторлар А. Нурмуҳамедов, Ж. Саидаҳмедов, пахтакорлар Г. Боймуродова, Т. Муҳаммедовалар ва бошқа комсомолларни фақат ёшларимизгина эмас, хўжалигимиз барча аъзолари ҳам ҳурмат қилишади.

Июнь Пленумида ёшларни ижтимоий-сиёсий фаолиятга кенгроқ жалб этиш, уларни коммунистик идеалларга садоқат руҳида тарбиялаш, ўз мамлакати учун ифтихор ҳис-туйғуларини, мамлакатнинг равнақига шахсий меҳнати билан кўмак бериш иштиёқини ривожлантириб бориш партия ташкилотлари, комсомолнинг вазифаси эканлиги уқтирилди. Айни пайтда комсомол ташкилотларининг ҳаётида дабдабабозлик кўринишлари учраб туриши тўғри танқид қилинди.

Ҳозирги пайтда биз ўз ишимизни партиянинг ана шу кўрсатмалари асосида қайта қуряпмиз. Бошланғич комсомол ташкилотларимиз асосий эътиборни ёшларнинг ишлаб чиқаришдаги авангардлик ролини оширишга, уларни ҳақиқий ватанпарвар қилиб тарбиялашга қаратмоқдалар.

Меҳнат ветерани, сиёсий ахборотчи **О. Султонов** Пленум материалларини аҳоли турар-жойларида пропаганда қилиш, янги анъаналарни ҳаётга сингдириш соҳасида олиб борилаётган ишлар ҳақида гапирди.

* * *

**Давра суҳбати қатнашчиларининг якдиллик билан билдирган фикрларига кўра, оммавий-сиёсий ва ғоявий-тарбиявий ишларимизни такомиллаштириш учун ҳали имкониятлар кўп. Бу имкониятларни тўла ишга солиш тарбиявий иш самарадорлигини оширади.**

**Ҳозирги пайтда Пленум қарорларини кенг пропаганда қилиш ва амалга ошириш райондаги барча партия ташкилотларининг энг муҳим иши бўлиб қолган. 891 агитатор, 385 сиёсий ахборотчи, 26 сиёсий докладчи бу ишда партия ташкилотларига яқиндан ёрдам бераётирлар. «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми, «Партия XXIV съезди» совхози, «Октябрь 40 йиллиги» колхози, қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати, машина-экскаватор станцияси ва бошқа хўжалик, корхона, муассаса партия ташкилотлари ҳам Пленум материалларини пропаганда қилиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиб, уларни изчил амалга ошираётирлар.**

**Район колхоз ва совхозларидаги 141 та дала шийпони, корхона ва ташкилотларда Пленум талаблари асосида кўргазмали агитация воситалари янгиланди. Партия сўзини кенг оммага етказиш учун доимий ишлайдиган агитпунктлар, оммавий-сиёсий ишлар кабинетлари, қизил бурчаклардан ҳам фойдаланиляпти. Маҳаллий радио узел, деворий газеталар ҳам шу масалаларга диққат-эътиборини қаратмоқда.**

**КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андропов таъкидлаганидек, дабдабали сўзларга зўр бермай, балки ишни кўзлаш зарур. Бу кўрсатма идеология ходимлари учун ғоят муҳимдир.**

**Давра суҳбатини «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири Э. ЭРНАЗАРОВ ёзиб олди.**



● СУРАТДА: давра суҳбати иштирокчилари (чапдан ўнгга) Х. Нурматов, А. Бекмуродов, А. Абдурашидов, Н. Шамсиддинов, О. Султонов, Н. Усмонқулова, А. Мираҳмедов, Қ. Маъмуровлар.

А. Раҳимов фотоси.

## ТУРМУШ МАДАНИЯТИ ВА МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК

### БУ ҲАҚДА ПЛЕНУМДА ГАПИРИЛГАН ЭДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитети июнь Пленумида сўзлаган нутқида кишиларни маънавий камол топтириш соҳасида катта иш олиб бормай туриб, ривожланган социализмни такомиллаштириб бўлмайди, деб жуда ҳам тўғри таъкидлаган.

Партиямиз инсонни маънавий камол топтириш, янги жамият кишисини тарбиялаш соҳасида катта ишларни амалга оширмоқда. Партия XXVI съезди кўрсатмалари, КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори асосида омма ўртасида олиб борилаётган тарбиявий ишлар муттасил такомиллашиб бормоқда. Кейинги йилларда биз яшаб меҳнат қилаётган шароитлар сезиларли даражада ўзгарди. Одамларнинг дунёқараши кенгайди, маънавий эҳтиёжи ошди. Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги иқтисодий, социал ва маданий тафовутлар яна ҳам камайди.

Партия ташкилотлари қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш маданиятини ошириш, совет турмуш тарзини пропаганда қилиш ва қарор топтириш бўйича аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда планли иш олиб бормоқдалар. Кўпгина жойларда бўлгани сингари Коммунистик район партия комитети ҳузурида ҳам турмуш маданияти бўйича совет ташкил қилинган. Колхоз ва совхозлардаги маданий комплекслар базасида ҳам координацион советлар ишлаб турибди. Советлар идеологик ишнинг умумий планини амалга оширишда ҳар бир муассасанинг ролини аниқ белгилаб бермоқдалар, уларнинг ижодий активлигини оширмоқдалар.

Бугунги кунда районимизда 30 та клуб, 38 та кутубхона муассасаси, маданият ва истироҳат боғи, санъат мактаби ишлаб турибди. Барча хўжаликларда маданий комплекслар ташкил қилинган. Район партия комитети меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда маданий муассасалар ролини ошириш масалаларига ҳамиша катта эътибор бериб келмоқда. Кейинги икки йил мобайнида бу масалалар район партия комитети пленумлари ва бюро мажлисларида 19 марта муҳокама қилинди.

«Политотдел» колхози партия ташкилотининг қишлоқда турмуш маданиятини ошириш юзасидан кўраётган тадбирлари устида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз бўлур эди. Колхозда иккита маданият саройи, 13 та клуб, 6 та кутубхона, меҳнат ва шон-шуҳрат музейи, кўплаб қизил бурчаклар, музика мактаби ишлаб турибди. Уларнинг ҳаммаси социал-маиший комплекс составига киритилгандир. Комплекс координацион совети бу муассасалар ишига раҳбарлик қилмоқда.

Комплекс координацион совети қишлоқ меҳнаткашлари турмуш маданиятини ошириш бўйича кенг программани ишлаб чиққан. Бу программада сиёсий, техникавий, табиий билимларни кенг тарғиб этиш, социалистик мусобақанинг боришини оператив тарзда ёритиш, ёшларда ўз қишлоғига, колхозига, меҳнатга муҳаббат уйғотиш, колхозчиларнинг дам олишини намунали уюштириш ва бадиий ҳаваскорлик ижодиётини ривожлантириш каби масалалар кенг ўрин олган.

Партия ва ҳукуматимиз қарорларини, давримизнинг актуал проблемаларини омма ўртасида чуқур тушунтириш программанинг таркибий қисмини ташкил этади. Ҳозир маданий оқартув муассасалари эътибори КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми материалларини кенг тарғиб қилишга қаратилгандир. Тузиб чиқилган оператив план асосида қизиқарли суҳбат ва лекциялар уюштирилмоқда, идеология кадрлари билан учрашувлар ташкил қилинмоқда. Бу соҳада бажарилаётган ишлар колхоз партия комитетида мунтазам равишда муҳокама қилиб турилибди.

Ўтган давр мобайнида партком мажлисларида маданий оқартув муассасалари ишини такомиллаштириш, колхозчилар турмуш маданиятини ошириш бўйича бир қатор раҳбарларнинг ҳисоботлари тингланди. Партия комитети қарори билан маданий муассасалар моддий техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган зарур тадбирлар белгиланди. Жумладан, бу соҳага ўтган йили салкам 900 минг сўм сарфланди.

Бундан ташқари колхоз партия комитети ва правлениесининг кўпчилик аъзолари қишлоқда турмуш маданиятини ошириш бўйича конкрет топшириқларга эгадирлар. Улар ташаббуси билан маданият саройлари ва клубларда ижодкорлар, санъаткорлар билан қизиқарли учрашувлар ўтказилмоқда.

Таниқли артистлар В. Тихонов, Л. Гурченко, А. Миронов билан бўлган учрашувлар колхозчилар ёдидан ҳали кўтарилгани йўқ. Тошкент, Москва, Ленинград, Олмаота ва бошқа шаҳарлардан келган театр коллективлари санъати ҳам пахтакор ва чорвадорларда зўр таассурот қолдирди. Шу йилнинг бошларида вьетнамлик санъаткорлар ҳам колхозчиларнинг азиз меҳмони бўлишди. Улар ижодини барча меҳнаткашлар зўр қизиқиш билан томоша қилишди. Бундай учрашувлар колхозчиларнинг маънавий дунёсини бойитмоқда ва мустаҳкамламоқда.

Районимизнинг бошқа хўжаликларида ҳам маданий-оқартув муассасалари қизғин иш олиб бормоқда. Йил сайин маданий-оммавий тадбирлар кўлами кенгаймоқда, маданий оқартув муассасалари моддий базаси мустаҳкамланмоқда. Кейинги бир йил ичида «Правда» колхозида бу мақсадларда 830 минг сўм, «Ленинский путь» колхозида 760 минг сўм, «Ўзбекистон» колхозида 319 минг сўм сарфланди. Ҳозир бу хўжаликларнинг барчаси типовой маданият саройларига эга.

Район партия комитети ва турмуш маданияти бўйича тузилган совет ўтмиш қолдиқларига қарши курашда, турмушимизда янгича урф-одатларни қарор топтиришда маданий оқартув муассасалари эътиборини аниқ мақсад сари йўналтириб турибдилар. Оилавий тантаналар, уч авлод учрашувлари, донгдор кишиларни шарафлаш каби маросимлар таъсирчан ўтяпти. Шундай дамларда совет тузумининг афзалликлари, инсонга бўлган ғамхўрлик ва меҳр-муҳаббат яна ҳам ёрқинроқ намоён бўляпти.

Кишиларнинг маънавий дунёсини кенгайтиришда, шахс сифатида камол топтиришда китобнинг роли каттадир. Ҳозир район китоб фондида 300 мингдан кўпроқ турли хил адабиётлар бор. Кейинги бир йил мобайнида район кутубхоналари 2,5 мингдан ортиқ оммавий тадбирлар ўтказди. Ишлаб чиқариш илғорлари, уруш ва меҳнат ветеранлари, ёзувчилар билан ўтказилаётган учрашувлар район меҳнаткашлари эришаётган ютуқларни кенг пропаганда қилишда муҳим омил бўляпти. Свердлов номли колхоз машҳур сут соғувчиси Мария Ким, Совет Иттифоқи Қаҳрамони С. Қосимхўжаев, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. И. Терещенко ва бошқа донгдорлар билан бўлган учрашувлар, Чингиз Айтматов, Ионас Авижюс каби таниқли ёзувчилар асарлари бўйича ўтказилган конференциялар меҳнаткашларда катта таассурот қолдирмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон, қардош республикалар адабиёт ва санъат намояндалари билан ҳам қизиқарли учрашувлар бўлиб ўтяпти. Ҳозир бундай учрашувлар маркази дала шийпонларига кўчган. Мавжуд 84 та дала шийпони, 26 та чорвачилик фермаси қизил бурчакларида турли хил маданий-оммавий тадбирлар ўтказилмоқда.

Меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий, маданий жиҳатдан тарбиялашда биринчи ёки иккинчи даражали вазифалар бўлмайди. Ҳаммаси муҳимдир. Айни пайтда қишлоқда турмуш маданиятини ошириш ҳам мавсумий иш эмас. Партия ташкилотлари буни чуқур ҳис этган ҳолда оммавий-сиёсий ишларни мунтазам, планли тарзда олиб боришга интилмоқдалар. Шу талаб КПСС Марказий Комитети июнь Пленумида ҳам олдимизга қўйилди.

**Н. КУЗНЕЦОВА,**
**Коммунистик район партия комитетининг секретари.**

